



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING  
Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 11 ” mart

Қ-148 -son

Termiz sh.

**Ер майдонини захирага  
қайтариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,36-моддаларига ва Маҳаллий ҳокимият тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосан, “SILK-ROAD GROUP” МЧЖнинг 2021 йил 19 февралдаги 3-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги Қ-537-сонли қарори билан Шўрчи тумани “Кушон” маҳалласи ҳудудидан “SILK-ROAD GROUP” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 149-дала контуридаги 2,30 гектар яйлов ер майдонига логистика маркази ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводи қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган ер майдони Шўрчи тумани ҳокимлиги захира ер фондида қайтариб олинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги Қ-537-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ер майдони қайтариб олиниши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий вёб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов